

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/01.02.2022.Tib.147.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

КАЮМОВА ПОЛИНА МУХАМАДИЕВНА

**АНЪАНАВИЙ БУЙРАК ОПЕРАЦИЯЛАРИДА МУЛЬТИМОДАЛ
АНЕСТЕЗИЯНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ СИФАТИДА УМУРТҚАНИ
ТИК ТУТАДИГАН МУШАКЛАР ФАСЦИЯСИ БЛОКАДАСИ
САМАРАДОРЛИГИ**

14.00.37 – Анестезиология ва реаниматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Каюмова Полина Мухамадиевна

Анъанавий буйрак операцияларида мультимодал анестезиянинг таркибий қисми сифатида умурткани тик тутатиган мушаклар фасцияси блокадаси самарадорлиги.....3

Каюмова Полина Мухамадиевна

Эффективность межфасциальной блокады мышцы, выпрямляющей позвоночник, в качестве компонента мультимодальной анестезии при традиционных операциях на почках.....27

Kayumova Polina Mukhamadievna

Efficacy of the Erector spinae plane block as part of multimodal anesthesia for traditional kidney surgeries.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....56

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/01.02.2022.Tib.147.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

КАЮМОВА ПОЛИНА МУХАМАДИЕВНА

**АНЪАНАВИЙ БУЙРАК ОПЕРАЦИЯЛАРИДА МУЛЬТИМОДАЛ
АНЕСТЕЗИЯНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ СИФАТИДА УМУРТҚАНИ
ТИК ТУТАДИГАН МУШАКЛАР ФАСЦИЯСИ БЛОКАДАСИ
САМАРАДОРЛИГИ**

14.00.37 – Анестезиология ва реаниматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.1.PhD/Tib3439 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bmtm.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Мусабаев Анвар Иллович
Тиббиёт фанлари номзоди

Расмий оппонентлар:

Мухитдинова Хура Нуритдиновна
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Матлубов Мансур Муратович
Тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш
вазирлиги Федерал давлат автоном олий
таълим муассасаси И.М. Сеченов номидаги
Биринчи Москва давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Болалар миллий тиббиёт маркази ҳузуридаги
DSc.04/01.02.2022.Tib.147.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «24»
июль куни соат 11 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Тошкент шаҳри,
Яшнобод тумани. Паркент кўчаси, 294-уй. Тел./факс: (+99855) 503-03-66, e-mail:
ilmiy.kengash@bmtm.uz).

Диссертация билан Болалар миллий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш
мумкин (10 рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани.
Паркент кўчаси, 294-уй. Тел./факс: (+99855) 503-03-66).

Диссертация автореферати 2025 йил «13» июль куни тарқатилди
(2025 йил «13» июль даги 10 рақамли реестр баённомаси).



А.М. Шарипов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор.

А.С. Юсупов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори,
доцент.

Н.Ш. Эргашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотация)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «урологик касалликлар аҳоли саломатлигига сезиларли таъсир кўрсатади»¹. Прогнозларга кўра, яқин йилларда бундай касалликларга чалинган беморлар сони икки баробар ошиши мумкин. Касалланишнинг ўсиши билан бир қаторда урологик касалликлар асоратлари туфайли ўлимнинг кўпайиши кузатилмоқда. «Сўнгги йилларда ушбу касалликларнинг кўпайиши ижтимоий, маиший ва экологик шароитларнинг ўзгариши, урбанизациянинг ўсиши, жисмоний фаолликнинг пасайиши, шунингдек, овқатланиш сифати ва тузилишининг ўзгариши ва бошқа хавф омиллари билан боғлиқ»². Урологик касалликларни жарроҳлик йўли билан даволашнинг мавжуд усуллари самарадорлиги етарли даражада қониқарсиз бўлиб қолмоқда, интраоперацион ва операциядан кейинги асоратларнинг юқори частотаси сақланиб қолмоқда. Сўнгги йигирма йил ичида лапароскопик операциялар урологик беморларни жарроҳлик йўли билан даволашда тобора фаол қўлланилмоқда. Шу муносабат билан жарроҳлик урологиясида янги йўналиш - лапароскопик ёки ретроперитонеоскопик жарроҳлик пайдо бўлди, у аста-секин илгари очик усулда амалга оширилган кўплаб анъанавий усуллари алмаштирилмоқда.

Эришилган ютуқларга қарамай, баъзи ҳолатларда очик жарроҳлик усуллари зарур бўлиб қолмоқда. Буларга туғма буйрак аномалиялари, буйракнинг инфекцион-яилликланиш касалликларининг асоратли, шунингдек такрорий ёки учламчи операциялар ёки техник чекловлар туфайли кам инвазив усуллари қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар киради.

Оғриқ - мураккаб ва травматик жарроҳлик аралашувларидан кейин пайдо бўладиган энг кенг тарқалган ҳодисалардан биридир. Операциядан кейинги оғриқ кенг тарқалган ва ҳали ҳам етарлича баҳоланмаган муаммо бўлиб қолмоқда. Кўп сонли тадқиқотлар шуни кўрсатдики, оғриқсизлантириш соҳасидаги замонавий ютуқларга қарамай, кўплаб беморлар операциядан кейин ўртача ёки кучли оғриқни бошдан кечиришда давом этмоқдалар. Оғриқ синдроми билан бирга келадиган жарроҳлик аралашувлари уни даволашнинг энг яхши стратегияларига мос келиши муҳимдир.

Буйракда очик операцияларни ўтказган беморлар учун оғриқсизлантиришнинг оптимал усулини танлаш муаммоси ҳамон долзарблигича қолмоқда. Ушбу усул юқори самарадорлик, хавфсизлик, мультимодал ёндашув ва фойдаланишнинг соддалигини ўзида мужассамлаштирган бўлиши керак.

Бизнинг мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, жумладан, буйраклардаги очик операциялардан кейин беморларни оғриқсизлантириш жаҳон стандартларига мос келади. Бугунги кунда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган кенг

¹Miller D.C., Saigal C.S., Litwin M.S. The demographic burden of urologic diseases in America // Urol. Clin. North Am. 2019. Vol. 36, № 1. P.11-27.

²Riedi AK, Knubben-Schweizer G, Meylan M. Clinical findings and diagnostic procedures in 270 small ruminants with obstructive urolithiasis. // J Vet Intern Med. 2018 Apr 16. doi: 10.1111/jvim.15128.

кўламли ишлар давом эттирилмоқда.

Маҳаллий хирургиянинг ривожланишидаги замонавий тенденциялар урологик касалликларга чалинган беморларни даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган бир қатор чора-тадбирларни ўз ичига олган. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишга қаратилган етти та устувор йўналиш бўйича вазифалар белгиланган³. Ушбу қўйилган вазифаларга мувофиқ, анъанавий буйрак операцияларини ўтказган беморларда оғриқсизлантириш усулларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2021 йил 20 июлдаги Президент Қарори-5198-сон «Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги «Жарроҳлик хизматини трансформация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5254-сон ва 2020 йил 12 ноябрдаги «Тиббий профилактика ишлари самардорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4891-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Операциядан кейинги оғриқни бошқаришнинг замонавий ёндашувлари опиоид анальгетикларни тизимли қўллаш, шунингдек, ностероид яллиғланишга қарши воситалар ва парацетамолдан фойдаланишни ўз ичига олади. Бирок, тизимли опиоидларни қўллаш нафас олишнинг пасайиши, кўнгил айниши, қусиш ва беморнинг фаол тикланиш мотивациясининг пасайиши каби бир қатор ножўя таъсирлар билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, операциядан кейинги оғриқни бошқаришнинг янада самарали ва хавфсиз усули сифатида регионар анестезияга тобора кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Оғриқ сезувчанлигини тўхтатишнинг самарали усули бўлган регионар анестезия замонавий анестезиологияда ҳам жарроҳлик аралашувлари вақтида ҳам мултимодал анестезия таркибида оғриқсизлантиришнинг мустақил усули сифатида кенг қўлланилади. Бундан ташқари, сурункали оғриқни даволашда муваффақиятли қўлланилади.

Регионар анестезия (РА), гарчи бир асрдан кўпроқ вақт давомида

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

ўрганилаётган бўлсада, муҳим тадқиқот соҳаси бўлиб қолмоқда. Бу блокадаларнинг янги усулларини яратиш ва ёндашувларни оптималлаштиришни рағбатлантиради, бу охир-оқибат беморлар учун қулайлик ва хавфсизликни оширади. РА нинг мақсади - опиоидларга бўлган эҳтиёжни қисқартириш, оғрикни назорат қилишни яхшилаш ва тез тикланишга ёрдам беришдир. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, РА муҳим элементи бўлган мултимодал аналгезия муҳим клиник натижаларга олиб келади.

Сўнгги йилларда ультратовушли навигация пайдо бўлиши билан минтақавий блокадаларнинг янги техникаси пайдо бўлди. Ҳозирги вақтда ультратовуш назорати остида маҳаллий анестезия Ўзбекистонда ҳам фаол ривожланиб, периператив оғриқсизлантириш имкониятларини кенгайтирмоқда ва анестезиологик ёрдам сифатини яхшиламоқда. Кўкрак қафаси шикастланган беморларда оғриқ синдромида кўндаланг қорин бўшлиғини (ТАР) ультратовуш навигацияси билан блоклаш (Абдуллаева Х.Н., 2021), шунингдек, умуртқани тик тутадиган мушакни блоклаш (ESP-блокадалар) йўналишлардан бири ҳисобланади (Фокин И.В., 2023).

Бундай усуллардан бири М. Фореро ва ҳаммуаллифлар томонидан жорий этилган умуртқани тик тутадиган мушакнинг фасцияси блокадаси (УТТМБ) (erector spinae plane block - ESP block) ҳисобланади (Forero M., Adhikary S.D., Lopez H., Tsui C., Chin K.J., 2016) кўкрак умуртқа поғонаси остеохондрози фонида оғриқ бўлган беморларда.

Адабиёт манбаларида очиқ нефректомияда ESP блокадасига бағишланган жуда кам сонли тадқиқотлар мавжуд бўлиб, кўпинча алоҳида клиник ҳолатларнинг тавсифлари келтирилган, аммо бу муаллифлар ҳам операциядан кейинги даврда оғриқни назорат қилиш, опиатлар ва ностероид яллиғланишга қарши дориларга (НЯҚД) бўлган эҳтиёжни камайтириш, кўнгил айланиши ва қайт қилишни камайтиришнинг юқори самарадорлигини таъкидлайдилар (Ayhan S, ahin and Onur Baran, 2022; Seoyeong Kim, Seunguk Bang, Woojin Kwon, 2019).

Нефрэктомияда ESP ни қўллаш операция вақтида фентанилга бўлган эҳтиёжни ва операциядан кейинги дастлабки 2 сутка давомида морфинга бўлган эҳтиёжни сезиларли даражада камайтиради, оғриқсизлантириш даври давомийлигини узайтиради ва блокадасиз беморлар гуруҳига нисбатан оғриқни камайтиради (Abdelgalil A.S., Ahmed A.M., Gamal R.M., Elshal M.M., Bakeer A.H., Shaker E.H., 2022). Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ESP блокаи ва QLB блокадаси таққосланадиган оғриқ қолдирувчи таъсирга эга ва усулни танлаш шифокор тажрибасига боғлиқ бўлиши мумкин (Onay M., Erdoğan Kayhan G., Özen A., Şanal Baş S., Yelken B., 2023). Бироқ тадқиқотларнинг чекланган сони бу соҳада янада чуқурроқ изланишлар олиб бориш зарурлигини кўрсатмоқда.

Тадқиқотнинг тадқиқот олиб борилаётган муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт Академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган. Давлат рўйхатга олиш рақами 01.1500212. «Анестезия жараёнида ва тиббиётдаги критик ҳолатларда гомеостаз бузилишларини коррекциялаш».

Тадқиқотнинг мақсади: анъанавий буйрак операцияларида умуртқани тик

тутадиган мушаклар фасцияси блокадасини қўллаш орқали мультимодал анестезияни оптималлаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

наркотик ва нонаркотик аналгетикларни қўллаш эҳтиёжи асосида операция вақтидаги ва операциядан кейинги даврда ESP блокадасининг аналгетик самарадорлигини қиёсий баҳолашни ўтказиш;

ESP блокадасининг интраоперацион ва операциядан кейинги даврларда гемодинамика кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

РРШ бўйича оғриқ интенсивлиги асосида операциядан кейинги даврда ESP блокадаси самарадорлигини баҳолаш;

ESP блокадасининг вегетатив мувозанатга, шунингдек, операциядан кейинги кўнгил айланиши ва қайт қилиш частотасига таъсирини ўрганиш;

ESP блокинни бажаришда Бупивакаиннинг турли дозалари самарадорлигини қиёсий баҳолашни (Бупивакаин 0.5% -25-30 мл);

блокадани қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб 2021 йилдан 2022 йилгача «РИУИАТМ» (Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази) ДМ да турли хил урологик касалликлар бўйича буйракда анъанавий жарроҳлик амалиётлари ўтказилган 116 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети. Тадқиқот натижалари рақамли рейтинг шкаласи бўйича операциядан кейинги оғриқ интенсивлигини, интраоперацион ва операциядан кейинги даврларда наркотик ва нонаркотик аналгетикларни истеъмол қилишни, гемодинамика параметрларини, анъанавий буйрак операцияларини ўтказган беморларда операциядан кейинги асоратлар частотасини ва реанимация ва интенсив терапия бўлимида бўлиш муддатини баҳолашни ўз ичига олади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш учун умумклиник, инструментал усуллар, шунингдек, маълумотларнинг статистик таҳлили Спирменнинг ρ коэффициентидан фойдаланган ҳолда икки томонлама аҳамиятга эга бўлган корреляцион таҳлил қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

Анъанавий буйрак операцияларида мультимодал анестезиянинг таркибий қисми сифатида умуртқани тик тутадиган мушаклар фасцияси блокадасининг самарадорлиги ва хавфсизлиги исботланган.

ESP блокадаси қўллаш интраоперацион ва операциядан кейинги оғриқ даражасини сезиларли даражада пасайтиришга, опиоид ва ностероид яллиғланишга қарши дори воситалари ҳамда парацетамол истеъмолини камайтиришга, шунингдек кўнгил айланиши ва қусиш ҳолатлари частотаси ҳамда кучини пасайтиришга ёрдам бериши аниқланган.

ESP блокадаси учун маҳаллий анестетик бупивакаиннинг оптимал доза ва ҳажмлари аниқланган.

Тадқиқот доирасида буйракдаги анъанавий операцияларда ESP блокадасининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ўтказилган, унинг асосида ушбу беморлар контингентини даволаш харажатларини камайтириш орқали

унинг сезиларли иктисодий фойдаси асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: тадқиқотда буйраклардаги анъанавий жарроҳлик аралашувларида мультимодаль анестезиянинг таркибий қисми сифатида УТТМБ дан фойдаланишнинг самарадорлиги ва хавфсизлиги тасдиқланган. ESP блокидан фойдаланиш интраоперацион ва операциядан кейинги оғриқни, опиоидлар ва ностероид яллиғланишга қарши воситалар, Парацетамолга бўлган эҳтиёжни сезиларли даражада камайтириши, беморларнинг операциядан кейинги тикланиш тезлиги сифатини ошир иш исботланган;

тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, операциядан кейинги анестезия мақсадида ESP блокадасин қўллаш операциядан кейинги (кўнгил айланиши ва қайт қилиш) ни ривожланиш хавфини сезиларли даражада камайтирган. Асосий гуруҳда ОККАҚҚ частотаси назорат гуруҳига нисбатан ўртача 90% га камайган;

Бупивакаиннинг 125 мг дозаси ESP блокидан фойдаланганда самарали оғриқсизлантиришни таъминлаб, токсик реакциялар ва ножўя таъсирлар хавфини минималлаштириши аниқланган;

ESP блокини қўллаш беморларнинг реанимация ва интенсив терапия бўлимида қолиш муддатини сезиларли даражада қисқартиришга ёрдам беради - бу турдаги оғриқсизлантиришни олмаган беморларга нисбатан ўртача 3,78 баробар камроқ;

олинган маълумотлар асосида анъанавий очик операцияларни талаб қиладиган урологик патологияли беморларда операциядан кейинги оғриқсизлантиришни яхшилаш учун ESP блокини қўллаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги операциядан кейинги оғриқни баҳолаш учун рақамли рейтинг шкаласидан фойдаланиш, шунингдек, интраоперацион ва операциядан кейинги даврларда гемодинамика параметрлари, асоратлар частотаси, наркотик анальгетикларни истеъмол қилиш ва сарфлаш мониторинги билан тасдиқланган.

ESP блокадасини бажаришда ултратовуш навигациясининг замонавий усуллари қўллаш усулнинг аниқлигини ва стандартлаштирилишини оширган. IBM SPSS Statistics дастури ёрдамида амалга оширилган маълумотларнинг тўғри статистик таҳлили олинган натижаларнинг ишончлилигини тасдиқлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти буйраклардаги анъанавий жарроҳлик аралашувларида мультимодаль анестезиянинг таркибий қисми сифатида УТМБ дан фойдаланишни ўрганиш билан изоҳланади; ESP блокни қўллаш интраоперацион ва операциядан кейинги оғриқни сезиларли даражада камайтиради, опиоидлар ва ностероид яллиғланишга қарши воситаларга бўлган эҳтиёжни камайтиради, беморларнинг операциядан кейинги тикланиш тезлиги ва сифатини оширади, ESP блокадасининг самарадорлиги ва хавфсизлигини тасдиқлайди. Олинган маълумотлар ESP блокининг таъсир механизмлари ва унинг бошқа маҳаллий анестезия усулларига нисбатан афзалликлари ҳақидаги тушунчани кенгайтиради, бу эса операциядан кейинги оғриқни бошқариш

усулларини янада фаол ривожлантиришга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти буйрак операцияларида ESP блокидан фойдаланиш бўйича янги тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади, бу оғриқсизлантириш сифатини яхшилаш, операциядан кейинги кўнгил айланиш ва қусиш частотасини камайтириш, опиоид ва ностероид анальгетикларни истеъмол қилишни камайтириш имконини беради. ESP блокинни қўллаш, шунингдек, беморларнинг реанимация ва интенсив терапия бўлимида бўлиш вақтини қисқартиришга ёрдам беради, бу эса тиббиёт муассасалари ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширади ва иқтисодий харажатларни 20% га камайтиришга олиб келади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Анъанавий буйрак операцияларида мультимодал анестезиянинг таркибий қисми сифатида умуртқани тик тутадиган мушаклар фасцияси блокадаси самарадорлиги натижаларини оптималлаштиришда олинган илмий натижаларга кўра:

Биринчи илмий янгилик: Анъанавий буйрак операцияларида мультимодал анестезиянинг таркибий қисми сифатида умуртқани тик тутадиган мушаклар фасцияси блокадасининг самарадорлиги ва хавфсизлиги исботланган. «Буйраклардаги очик операцияларда мультимодал анестезиянинг компоненти сифатида тананинг орқа томонни тикловчи мушакни блокада қилиш усули Erector Spinae Plane (ESP)» номли услубий тавсиялар ишлаб чиқилган ва жорий этилган (ЎЗР ССВ «РИУИАТМ» ДМ нинг 2024 йил 01 мартдаги 01-03-007/м-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасалари, жумладан Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази («РИУИАТМ» ДМ) ни жарроҳлик-анестезиология бўлимларига (20.03.2024 йилдаги 25 I сон маълумотнома) ва Хоразм «РИУИАТМ» (25.04.2024 йилдаги 25 I -сон маълумотнома) ҳамда Фарғона «РИУИАТМ» филиалларининг (05.08.2024 йилдаги 59 B-сон маълумотнома) амалий фаолиятига жорий этилган, (ЎЗР соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий-техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/41-сон маълумотномаси). **Ижтимоий аҳамияти.** Юқорида кўрсатилган шифохоналарнинг анестезиолог-реаниматологлари амалиётига ушбу минтақавий блокада усулини жорий этиш операциядан кейинги дастлабки 24 соат ичида беморларнинг 75% да оғриқ интенсивлигини минимал даражага тушириш имконини берган, бу эса ҳаёт сифатини ва даволанишдан қониқишни яхшилаган. **Иқтисодий самарадорлиги.** Жарроҳлик аралашувлар ҳажми ва асоратлар мавжудлигига қарамасдан, беморларнинг шифохонада қолиш харажатларини камайтиришда намоён бўлади. Даволашнинг ўртача давомийлиги 5 кунга (902 000 сўм) нисбатан 4 кунни (721 600 сўм) ташкил этган, бу эса харажатларни 180 400 сўмга камайтиришга олиб келган. Харажатлар фарқи 180 400 сўмни ташкил этган, бу эса харажатларни оптималлаштириш ва тиббий ёрдам самарадорлигини ошириш учун ESP блокидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди.

Иккинчи илмий янгилик: Анъанавий буйрак операцияларида умуртқани

тик тутадиган мушаклар фасцияси блокадасининг самарадорлиги аниқланган, у интраоперацион ва операциядан кейинги оғриқни, анальгетиклар истеъмолини ҳамда кўнгил айланиши ва қайтиш каби ножўя кўринишлар частотасини камайтиришда намоён бўлиб, ушбу усулни мультимодаль анестезияни янада такомиллаштириш учун истиқболли деб баҳолаш имконини берган. «Буйракларда очик операцияларда мультимодаль анестезиянинг таркибий қисми сифатида орқа томонни тикловчи мушакни блокада қилиш усули Erector Spinae Plane (ESP)» услубий тавсиялар асосланган, ишлаб чиқилган ва жорий этилган (ЎзР ССВ «РИУИАТМ» ДМ нинг 2024 йил 01 мартдаги 01-03-007/м-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижалари Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази («РИУИАТМ» ДМ) ни (20.03.2024 йилдаги 25 I сон маълумотнома) ва Хоразм «РИУИАТМ» (25.04.2024 йилдаги 25 I -сон маълумотнома) ҳамда Фарғона «РИУИАТМ» филиалларининг (05.08.2024 йилдаги 59 B-сон маълумотнома) жарроҳлик-анестезиология бўлимларининг амалий фаолиятига жорий этилган. **Ижтимоий аҳамияти.** ESP блокидан фойдаланиш анальгетикларни истеъмол қилишни камайтиради ва кўнгил айланиши ва қайт қилиш каби ножўя кўринишларнинг частотасини 90% га камайтирган, бу эса беморларнинг ҳаёт сифатини ва даволанишдан қониқишини яхшилашга ёрдам берган. **Иқтисодий самарадорлиги.** Оғриқ қолдирувчи дори воситаларининг харажатларини сезиларли даражада камайтиришда намоён бўлган. Операциядан кейинги оғриқсизлантириш нархи Промедол (286 377 сўмдан 51 401 сўмгача), Диклофенак (13 850 сўмдан 12 650 сўмгача) ва Парацетамол (240 366 сўмдан 40 073 сўмгача) харажатларини ўз ичига олган ҳолда 540 593 сўмдан 104 124 сўмгача камайган. Умумий тежамкорлик 439 469 сўмни ташкил этган, бу оғриқ қолдирувчи воситаларни истеъмол қилишни камайтириш орқали ESP блокини қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини тасдиқлайди.

Учинчи илмий янгилик: ESP блокадаси учун маҳаллий анестетикнинг турли дозалари (125 мг ва 150 мг бупивакаин) ўрганилган, бу эса операциядан кейинги самарали оғриқсизлантириш ва ножўя таъсирларни минималлаштиришни таъминлайдиган оптимал дозалар ҳажмларни аниқлаш имконини берган. «Буйракларда очик операцияларда мультимодаль анестезиянинг таркибий қисми сифатида орқа томонни тикловчи мушакни блокада қилиш усули Erector Spinae Plane (ESP)» услубий тавсиялар тайёрланган, илмий асосланган ва жорий этилган (ЎзР ССВ «РИУИАТМ» ДМ нинг 2024 йил 01 мартдаги 01-03-007/м-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижалари Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази («РИУИАТМ» ДМ) ни (20.03.2024 йилдаги 25 I сон маълумотнома) ва Хоразм «РИУИАТМ» (25.04.2024 йилдаги 25 I -сон маълумотнома) ҳамда Фарғона «РИУИАТМ» филиалларининг (05.08.2024 йилдаги 59 B-сон маълумотномаси, ЎзР соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий-техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/41-сон маълумотномаси) жарроҳлик-анестезиология бўлимларининг амалий фаолиятига муваффақиятли реализация қилинган. **Ижтимоий аҳамияти.** Бупивакаин (125 мг ва 150 мг) дозаларини таққослаш гемодинамик кўрсаткичларнинг барқарорлигини сақлаб қолган ҳолда

операциядан кейинги оғриқсизлантиришни таъминлашда бир хил самарадорликни кўрсатган. Кичикроқ дозани (125 мг) қўллаш токсик таъсирлар ва ножўя таъсирлар хавфини камайтиради, даволаш хавфсизлиги ва қулайлигини оширган. **Иқтисодий самарадорлиги.** Бупивакаиннинг турли хил дозаларини (125 мг ва 150 мг) ўрганиш 125 мг нинг оптимал дозасини аниқлашга имкон берган, бу эса дори воситаларига камроқ сарф-харажатлар билан операциядан кейинги оғриқсизлантиришнинг худди шундай даражасини таъминлайди.

Тўртинчи илмий янгилик: Аънавий буйрак операцияларида ESP блокадаси самарадорлиги ва хавфсизлигини комплекс баҳолаш, шу жумладан анальгетиклар харажатлари, беморларнинг реанимация ва интенсив терапия бўлимларида, шунингдек, стационарда бўлиш муддати таҳлили ўтказилган, бу эса ушбу усулнинг операциядан кейинги даврга таъсири ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имконини берган. «Буйракларда очик операцияларда мультимодаль анестезиянинг таркибий қисми сифатида орқа томонни тикловчи мушакни блокада қилиш усули Erector Spinae Plane (ESP)» услубий тавсиялар ишлаб чиқилган ва жорий этилган (ЎзР ССВ «РИУИАТМ» ДМ нинг 2024 йил 01 мартдаги 01-03-007/м-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижалари Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази («РИУИАТМ» ДМ) ни (20.03.2024 йилдаги 25 I сон маълумотнома) ва Хоразм «РИУИАТМ» (25.04.2024 йилдаги 25 I -сон маълумотнома) ҳамда Фарғона «РИУИАТМ» филиалларининг (05.08.2024 йилдаги 59 В-сон маълумотномаси), (ЎзР соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий-техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/41-сон маълумотномаси) жарроҳлик-анестезиология бўлимларининг амалий фаолиятига самарали интеграция қилинган. **Ижтимоий аҳамияти.** Анальгетиклар учун молиявий харажатларни камайтириш ва бемор ҳамда унинг оиласининг умумий касалхонада қолишидан иборат. **Иқтисодий самарадорлиги.** Беморларнинг реанимация ва интенсив терапия бўлимида бўлиш вақтини сезиларли даражада қисқартиришдан иборат. РИТБ да бўлишнинг ўртача давомийлиги $2,88 \pm 0,17$ соатни ташкил этган, бу $10,89 \pm 3,51$ соатга нисбатан сезиларли даражада паст бўлган. ESP-блокни қўллаш оғриқсизлантириш харажатларини 436469 сўмга камайтириш имконини берган. Шифохонада даволанишнинг ўртача давомийлигини 5 кундан 4 кунгача қисқартириш харажатларни 180 400 сўмга (902 000 сўмдан 721 600 сўмгача) камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган, жумладан 4 та халқаро ва 1 та республика анжуманларида.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта асосий боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги асосланган, ESP блокидан фойдаланган ҳолда буйрак операцияларида анестезияни оптималлаштиришга қаратилган тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган. Диссертациянинг илмий янгилиги, илмий-амалий аҳамияти, апробацияси, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган, диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган.

Диссертациянинг «**Анъанавий буйрак операцияларида оғриқсизлантиришнинг замонавий усуллари**» деб номланган **биринчи бобида** ушбу жарроҳлик аралашувларида қўлланиладиган оғриқсизлантиришнинг мавжуд ёндашувларининг ҳар томонлама таҳлили келтирилган. Турли усулларнинг афзалликлари ва камчиликлари, шу жумладан умумий анестезия, эпидурал ва паравертебрал блокада кўриб чиқилган.

Умуртқани тик тутадиган мушакнинг фасцияси блокадаси (ESP блок) регионал анестезиянинг янги ва истиқболли усули сифатида амалга оширишнинг соддалиги ва юқори даражадаги хавфсизлиги билан ажралиб туради. Ушбу ишда ESP блоки биринчи марта 2016 йилда тавсифлангани ва ўшандан буён операциядан кейинги оғриқни камайтириш, асоратлар сонини пасайтириш ҳамда касалхонада даволаниш муддатини қисқартириш учун қўлланилаётгани кўриб чиқилган. Мазкур усул минимал опиоид юкламаси билан сезиларли даражада оғриқсизлантиришни намоён этган, бу эса унинг анъанавий усулларга нисбатан муҳим афзаллиги ҳисобланади.

Шунингдек, ESP блоки таркибида қўлланиладиган бупивакаин каби маҳаллий анестетикларнинг фармакологик хусусиятлари ва уларнинг оғриқсизлантириш давомийлиги ва самарадорлигини оширувчи адъювантлар билан ўзаро таъсири тавсифланган. Ушбу бобда анестетикларнинг фасциал тузилмаларга таъсири ва тарқалиш механизмлари кўрсатилган, бу эса сифатли ва узок муддатли оғриқсизлантиришни таъминлайди. Бундан ташқари, ESP блокани паравертебрал блокада ва белнинг квадрат мушак блокадаси билан таққословчи маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотнинг материаллари ва усуллари**» деб номланган **иккинчи бобида** Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт марказида 2021 йил августдан 2022 йил декабргача бўлган даврда ўтказилган тадқиқот материалларининг тавсифи бўйича маълумотлар келтирилган. Тадқиқотда 116 нафар бемор иштирок этган бўлиб, уларга нафақат шошилиш, балки режали тартибда ҳам анъанавий буйрак операциялари — нефрэктомия, пиелолитотомия, жом-сийдик найи сегменти пластикаси (Андерсен-Хайнц), шунингдек, дренажловчи аралашувлар амалга оширилган.

Тадқиқотга 116 нафар бемор киритилган (63 нафар эркак — 54,3%, 53 нафар аёл — 45,7%) бўлиб, барчаси ASA таснифи бўйича I–III анестезиологик хавф гуруҳига мансуб бўлган. Назорат гуруҳи (НГ) 56 нафар бемордан иборат бўлиб, уларда регионар анестезия усуллари қўлланилмаган. Асосий гуруҳда (АГ) эса 60 нафар бемор бўлган бўлиб, уларда ESP-блок амалга оширилган; шундан 44 нафар

бемор (73,3%) 125 мг бупивакаин ва 16 нафар бемор (26,7%) 150 мг бупивакаин қабул қилган. Беморларнинг ўртача ёши НГ да $48,07 \pm 13,86$ ёшни, АГ да $42,80 \pm 5,18$ ёшни ташкил этган. Тана массаси индекси эса мос равишда $26,39 \pm 3,77$ кг/м² ва $25,54 \pm 4,71$ кг/м² бўлган.

1-жадвал.

Ёши, ёндош патология ва жарроҳлик аралашувларнинг тавсифи.

Кўрсаткичлар	НГ (n = 56)	АГ (n = 60)	P
Ёши, йиллар (M ± SD)	48,07 ± 13,86	42,80 ± 5,18	0,053
ТВИ, кг/м ² (M ± SD)	26,39 ± 3,77	25,54 ± 4,71	0,290
Ёндош касалликлар n (%)			
ЮИК n (%)	27 (48,2)	24 (40,0)	0,131
Қандли диабет 2 типи n (%)	10 (17,9)	8 (13,3)	0,224*
Гипертоник касаллик n (%)	27 (48,2)	23 (38,3)	0,311*
ОВВК n (%)	6 (10,7)	5 (8,3)	0,215*
Бошқалар n (%) #	16 (28,6)	13 (21,7)	0,391
Очик операциялар n (%)			
Орган ташувчилар	40 (71,4)	36 (60,0)	0,196
Очиш ва дренажлаш (буйрак абсцесслари, гематомлар, кисталар) n (%)	8 (14,3)	7 (11,7)	0,674
Пиелолито- томиялар n (%)	4 (7,1)	4 (6,7)	0,919
Андерсен-Хайнц n (%)	4 (7,1)	13 (21,7)	0,027*

Изоҳлар: ТВИ - тана вазни индекси; ЮИК - юрак ишемик касаллиги; ОВВК - оёқ веналарининг варикоз кенгайиши; СТК - сийдик-тош касаллиги; ЖСНС - жом-сийдик найи сегменти; # бошқалар - камқонлик, пневмония * – тест χ^2 .

Беморларга комбинацияланган эндотрахеал анестезия ва олдиндан анальгезия (диклофенак 75 мг мушак ичига) қўлланилди. Индукция пропофол (1,0–2,5 мг/кг), фентанил (2–4 мкг/кг) ва цисатракурий (0,15 мг/кг) орқали амалга оширилди. Анестезияни ушлаб туриш изофлюран (1–1,5%, 0,5–1 МАК) ва фентанил ёрдамида бажарилди. Ўпканинг сунъий вентилацияси ҳажм бўйича назорат режимида (6–8 мл/кг, FiO₂ 40–60%) ўтказилди. Мониторинг: артериал босим, юрак уриш частотаси, 3 та йўналишда кардиография, импеданс кардиография (ЮМ 300), пульсоксиметрия, капнография ва анестетик концентрацияси назорати. Инфузион терапия — баланслаштирилган кристаллоидлар.

Асосий гуруҳда трахея интубацияси ва “соғлом томон”га ётқизилгандан сўнг ESP-блок УЗИ назорати остида бажарилди. УЗИ конвексли датчик (Samsung HS50, 3,5–6,0 МГц) Th-9 даражасида трапециясимон, катта ромбсимон ва умуртқани тўғрилайдиган мушакларни визуализация қилган

ҳолда ўрнатилди. Остисти ва 3 см латералдаги кўндаланг ўсимталар аниқланди. «В Braun 19 G» игнаси краниал-каудал йўналишда кўндаланг ўсимтагача киритилди. 5 мл физиологик эритма билан гидродиссекциядан сўнг 0,5% бупивакаин (25–30 мл) 3 мл дан, аспирацион паузалар билан юборилди.

Тадқиқот самарадорлигини баҳолаш мезонлари қуйидагилардан иборат бўлган: интраоперацион даврда (фентанил) ва операциядан кейинги даврда (Промедол) опиоидлар истеъмоли, операциядан кейин оғриқ интенсивлиги рақамли рейтинг шкаласи бўйича (0–10 балл), ҳар 6 соатда, биринчи кун давомида қайд этилган ҳолда, шунингдек, гемодинамика кўрсаткичлари динамикаси. Интра- ва операциядан кейинги мониторинг ҳаётий муҳим кўрсаткичларни ноинвазив назорат қилиш ҳамда импеданс кардиография (ISG-модуль, ЮМ 300, «Ютас», Украина) орқали марказий гемодинамика параметрларини баҳолашни ўз ичига олган. Қайд этилган кўрсаткичлар: зарбали ҳажм (ЗХ), умумий периферик қон томир қаршилиги (УПҚТҚ), артериал босим (АБ), юрак уриш частотаси (ЮУЧ), систолик, диастолик ва ўртача артериал босим. Шунингдек, симпатик ва парасимпатик фаоллик мувозанатини акс эттирувчи Кердо вегетатив индекси (КВИ) аниқланган.

КВИ ни ҳисоблаш формуласи: [Ю.Е.Вагин].

$KBI = ((1 - ДАБ / ЮҚС) \times 100)$.

КВИ - Кердо вегетатив индекси;

ДАБ- диастолик артериал босим;

ЮҚС - юрак қисқаришлари сони.

Юрак уриш тезлиги, САБ, УПҚТҚ ва ЗХ ўлчовларини назорат қилиш ва таҳлил қилиш; кўнгил айланиши ва қайт қилдишнинг частотаси ва оғирлиги, ЯҚНДВ (диклофенак) Парацетамолни қўллаш; шифохонада ва РИТБда бўлишнинг умумий вақти, шунингдек Бупивакаиннинг турли дозаларининг (125 мг ва 150 мг) ESP блокадасининг хавфсизлиги ва самарадорлигига таъсири назорат қилинган. Ушбу параметрлар оғриқсизлантириш даражасини, беморларнинг аҳволини ва тикланиш тезлигини объектив баҳолашга имкон берди.

Маълумотлар таҳлили IBM® SPSS Statistics 25.0 дастури ёрдамида амалга оширилди. Тақсимот нормаллиги Колмогоров-Смирнов тести билан баҳоланди. Параметрик ва непараметрик усуллар қўлланилди: меъёрий тақсимланишда — ўртача ва стандарт оғиш, меъёрий бўлмаганда — медиана ва интерквартилли тебраниш. Сифат маълумотлари абсолют ва нисбий частоталарда берилди. Фарқлар Стъюдент t-тести, Манн-Уитни U-тести ва Хи-квадрат тест билан баҳоланди ($p < 0,05$). Корреляция Спирмен коэффиценти (ρ) орқали аниқланди.

Диссертациянинг «Текширилаётган гуруҳларда қиёсий таҳлил натижалари» деб номланган учинчи бобида тадқиқот натижалари баён этилган. Ушбу тадқиқотда таҳлилнинг муҳим жиҳатларидан бири операция вақтида анальгезияга бўлган эҳтиёж кўрсаткичи сифатида фентанилнинг интраоперацион сарфини ўрганиш эди. Баҳолаш киритилган фентанилнинг

умумий дозасини, шунингдек, тана вазни ва операция давомийлиги (мкг/кг/мин) бўйича препаратнинг нисбий сарфини ҳисоблашни ўз ичига олган.

2-жадвал

Интраоперацион даврда Фентанилнинг сарфланиши

Кўрсаткич	Асосий (n=60)	Назорат (n=56)	P
Операция вақти (мин) M±SD Me (Q1:Q3)	98.68±12.17 98 (88.0; 108.8)	101.4±12.52 102.5 (91.0;113.0)	P=0.243
Фентанил мкг да M±SD Me (Q1:Q3)	190.0±54.31 200 (200; 200)	333.93±74.53 300 (300; 400)	P<0.01
Фентанил мкг/кг/мин да M±SD Me (Q1:Q3)	0.027±0.01 0.026 (0.020; 0.034)	0.046±0.02 0.040 (0.034; 0.058)	P<0.01

Операция давомийлиги гуруҳлар орасида сезиларли фарқ қилмади (p=0.243). Фентанил сарфи асосий гуруҳда анча кам бўлди: абсолют дозада 190.0±54.31 мкг ва 333.93±74.53 мкг, тана вазни ва вақтга нисбатан эса 0.027±0.01 мкг/кг/мин ва 0.046±0.02 мкг/кг/мин (p<0.01).

Олинган маълумотларга мувофиқ, ESP блокадаси олган беморлар операциядан кейинги дастлабки 6 соат давомида опиоид анальгетикларига (мушак ичига Промедол 20 мг) назорат гуруҳидаги беморларга қараганда камроқ эҳтиёж сезганлар (p < 0,001). Иккала гуруҳда оғриқни назорат қилиш учун ностероид яллиғланишга қарши воситалар, жумладан, мушак ичига Диклофенак 75 мг ва парацетамол 1000 мг вена ичига юборилган. Ушбу препаратларни тайинлаш РРШ ёрдамида баҳоланган оғриқ даражасига қараб амалга оширилган.

3-жадвал

Операциядан кейинги даврда аналгетикларни қўллаш частотаси

Препаратлар	Назорат гуруҳи (n = 56)	Асосий гуруҳ (n = 60)	P*
Промедол 20 мг			
I (6 соат) n (%)	30 (55,6)	3 (5,0)	< 0,001
II (12 соат) n (%)	5 (9,3)	3 (5,0)	0,374
III (18 соат) n (%)	4 (7,4)	1 (1,7)	0,135
IV (24 соат) n (%)	0 (0,0)	0 (0,0)	—
Диклофенак 75 мг			
I (6 соат) n (%)	3 (5,6)	0 (0,0)	0,064
II (12 соат) n (%)	18 (33,0)	0 (0,0)	< 0,001
III (18 соат) n (%)	14 (25,9)	17 (28,3)	0,773
IV (24 соат) n (%)	12 (22,6)	4 (6,7)	< 0,015

Парацетамол 1000 мг			
I (6 соат) n (%)	13 (24,1)	5(8,3)	0,021
II (12 соат) n (%)	22 (40,7)	2 (3,3)	< 0,001
III (18 соат) n (%)	14 (25,9)	12 (20,0)	0,451
IV (24 соат) n (%)	24 (45,3)	3 (5,0)	< 0,001
Изоҳ: * — Хи квадрат тести			

Тадқиқот натижаларига кўра, ESP блокадасини олган асосий гуруҳда анальгетиклар қўллаш частотаси назорат гуруҳига нисбатан анча камайган. Дастлабки 6 соатда Промедол 5,0% (ОГ) ва 55,6% (КГ) ҳолатларда қўлланган ($p < 0,001$). 12 соатда Диклофенак деярли қўлланилмаган ($p < 0,001$), Парацетамол эса барча босқичларда сезиларли камайтирилган ($p < 0,001$). Бу натижалар ESP блокадасининг самарадорлигини ва хавфсизлигини тасдиқлайди.

4-жадвалда рақамли рейтинг шкаласи (РРШ) ёрдамида тадқиқотнинг турли босқичларида назорат ва асосий гуруҳ беморларида оғриқни баҳолаш натижалари келтирилган. Маълумотлар медиана (Ме) ва интерквартилли қўламда келтирилган (Q1; Q3). Оғриқли ҳислар жарроҳлик аралашувидан 6, 12, 18 ва 24 соат ўтгач баҳоланган.

4-жадвал

Рақамли рейтинг шкаласи бўйича оғриқни баҳолаш

Текширув босқичлари	Назорат гуруҳи (n = 56)	Асосий гуруҳ (n = 60)	P*
I (6 соат) Ме (Q1 ; Q3)	7,0 (4 ; 8)	0,0 (0,0 ; 0,0)	0,001
II (12 соат) Ме (Q1 ; Q3)	4,0 (2 ; 5)	0,0 (0,0 ; 0,0)	0,001
III (18 соат) Ме (Q1 ; Q3)	4,0 (2 ; 4)	0,0 (0,0 ; 3,0)	0,001
IV (24 соат) Ме (Q1 ; Q3)	3,0 (2 ; 4)	0,0 (0,0 ; 1,8)	0,001
Изоҳ: * — Mann-Whitney U test			

Оғриқни ўлчаш натижалари тадқиқотнинг барча босқичларида асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида сезиларли фарқларни кўрсатди. Барча вақт оралиқларида РРШ бўйича оғриқ медианаси асосий гуруҳда анча паст бўлди (0,0 га қарши назорат гуруҳида 6 соатда — 7,0; 12 соатда — 4,0; 18 соатда — 4,0 ва 24 соатда — 3,0; $p = 0,001$).

3-бобда, шунингдек, ESP блокадаси қабул қилган беморларда ножўя таъсирларнинг пасайиши ва гемодинамик кўрсаткичларнинг барқарорлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.


Ушбу бўлимда асосий ва назорат гуруҳидаги беморларда ўртача артериал босимини (ЎАБ) босқичма-босқич баҳолаш - анестезияга индукция бўлишгача бўлган босқичда (бошланғич босқич), фаол жарроҳлик манипуляциялари босқичида (жарроҳликнинг асосий босқичи), шунингдек, аралашувни

яқунлашда (яқуний босқич) тақдим этилган. Дастлабки босқичда ЎАБ асосий гуруҳда $99,02 \pm 7,6$ мм сим. уст. ни ташкил этган бўлса, назорат гуруҳида $103,84 \pm 13,08$ мм сим. уст. бўлиб, гуруҳлар ўртасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқ аниқланган ($p = 0,02$). Операциянинг асосий фазасида ўртача қон босими асосий гуруҳда сезиларли даражада паст бўлган - $81,97 \pm 6,11$ мм.сим.уст., таққослаш бўйича назорат гуруҳида $96,43 \pm 10,69$ мм.сим.уст. ($p < 0,01$) бўлган.

Аралашувнинг яқуний босқичида асосий гуруҳда ЎАБ $90,72 \pm 6,54$ мм сим. уст. ни ташкил этган, назорат гуруҳида эса - $106,16 \pm 12,70$ мм сим. уст. Фарқ ҳам статистик аҳамиятга эга бўлган ($p < 0,01$).


Операциядан кейинги даврда гемодинамик кўрсаткичларнинг динамик таҳлили ESP блокадаси қўлланган асосий гуруҳ беморларида назорат гуруҳига нисбатан барча кўрсаткичларда ишончли фарқ ($p < 0,001$) билан сезиларли пасайишни кўрсатди. Асосий гуруҳда юрак қисқаришлари сони (ЮҚС) барча босқичларда паст даражада сақланди: 6 соатда $73,42 \pm 7,03$ зарба/дақиқадан 24 соатда $73,30 \pm 5,52$ зарба/дақиқагача, назорат гуруҳида эса ушбу кўрсаткич $90,53 \pm 7,95$ дан $80,58 \pm 5,35$ зарба/дақиқагача камайди ($p < 0,001$). Систолик артериал босим (САБ) асосий гуруҳда 6 соатда $119,92 \pm 8,66$ мм сим. уст. бўлиб, 24 соатда $117,13 \pm 8,24$ мм сим. уст. гача пасайган. Диастолик артериал босим (ДАБ) эса $76,83 \pm 6,07$ мм сим. уст. дан $76,21 \pm 6,18$ мм сим. уст. гача камайган. Назорат гуруҳида эса САБ ва ДАБ кўрсаткичлари юқори даражаларда сақланган ва барча босқичларда ушбу фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлган ($p < 0,001$).

ESP блокадаси самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолаш учун биз тадқиқотнинг барча босқичларида марказий гемодинамика (МГ) кўрсаткичларини мониторингини ўтказдик. Олинган маълумотлар қуйидаги 1-расмда акс эттирилган



Расм 1. Операциядан кейинги даврда 3X мл кўрсаткичларини таққослаш

1-расмда операциядан кейинги даврда назорат ва асосий гуруҳларда марказий гемодинамика кўрсаткичлари, жумладан 3X таққосланган. Асосий гуруҳда 3X аста-секин 75,65 мл дан 82,18 мл гача (1-6 соатдан 4-24 соатгача) ошган. Назорат гуруҳида эса ўсиш камроқ бўлиб, 65,13 мл дан 75,6 мл гача ошган.



Расм 2. Операциядан кейинги даврда УПҚТҚ дин·с·см⁻⁵ кўрсаткичини таққослаш


2 расмда операциядан кейинги даврда УПҚТҚ кўрсаткичларининг таққосланиши келтирилган. Биринчи босқичда назорат гуруҳида УПҚТҚ 1589,49 дин·с·см⁻⁵, асосий гуруҳда 1456,88 дин·с·см⁻⁵ бўлган. Кейинчалик асосий гуруҳда УПҚТҚ аста-секин 1407,02 дан 1267,02 дин·с·см⁻⁵ гача пасайган, назорат гуруҳида эса 1549,66 дан 1368 дин·с·см⁻⁵ гача камайган. Бу асосий гуруҳда периферик қаршилиқнинг яхшироқ тикланишини кўрсатади. Операциядан кейинги даврда УПҚТҚ кўрсаткичларини таққослаш асосида шундай хулосага келиш мумкинки, асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан УПҚТҚ нинг яққол пасайиши кузатилган. Бу периферик қон томир қаршилигининг яхшироқ тикланиши ва янада барқарор гемодинамикадан далолат беради.

ESP блокадасини қўллаш операциядан кейинги даврда марказий гемодинамикани тикланишини сезиларли даражада яхшиланишини кўрсатади. ЗХ нинг ортиши, ЮҚС нинг камайиши, САБ ва ДАБ нинг пасайиши ушбу усулнинг самарадорлигини тасдиқлайди. ESP блокадаси беморларнинг тезроқ тикланишига ёрдам беради, юрак-қон томир тизимида юкламани камайтиради ва умумий ҳолатни яхшилади, бу эса гемодинамик кўрсаткичларни барқарорлаштириш ва операциядан кейинги бошқарувни оптималлаштириш учун самарали усулга айлантиради.

Ўрганилаётган беморларда вегетатив асаб тизими мувозанати ҳолатини ўрганиш учун биз операциядан кейинги даврда тадқиқотнинг турли босқичларида таҳлил ўтказдик, Кердо вегетатив индексини ҳисобладик.

КВИ қийматларини талқин қилиш унинг қийматига боғлиқ:

- КВИ нинг мусбат қийматлари симпатик асаб тизими фаоллигининг кучайишини кўрсатади (симпатикотония).
- КВИ нинг манфий қийматлари парасимпатик таъсир (ваготония) устунлигидан далолат беради.
- КВИ нольга яқин бўлганда вегетатив асаб тизимининг симпатик ва парасимпатик бўлимлари ўртасида мувозанат кузатилади.



Расм 3. Тадқиқот босқичларида КВИ кўрсаткичининг ўзгариши

Текширилаётган беморлар гуруҳларида КВИ кўрсаткичларида сезиларли фарқлар аниқланди, НГ да дастлабки 6 соат ичида КВИ қийматлари симпатик бўлим тонусининг устунлигини кўрсатди ва динамикада симпатикотония қайд этилди, у 18 соатгача сақланиб қолди ва фақат кузатув даврининг охирига келиб мувозанатнинг яқин қийматларига келди.

Артериал гипертензия билан оғриган беморларда кучли гиперсимпатикотония кузатилади, бу адабиёт маълумотларига мос келади. Шу муносабат билан, КВИ ни ҳисоблашда кўпроқ рандомизацияни таъминлаш учун гипертония ташхиси қўйилган 50 нафар бемор иккала тадқиқот гуруҳидан ҳам чиқариб ташланди.

Беморларнинг РРШ ёрдамида ўлчанган субъектив ҳиссиётлари ва гемодинамика кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик даражасини аниқлаш учун Спирменнинг рангали корреляцияси коэффициентидан фойдаланилди.

Спирмен ρ қийматларининг талқини:

- 0 - 0,3 → Кучсиз боғланиш, ўзгарувчанликлар ўртасидаги деярли аҳамиятсиз боғлиқлик.
- 0,3 - 0,5 → Мўътадил (ўртача) боғлиқлик, сезиларли, аммо унчалик кучли бўлмаган боғлиқлик.
- 0,5 - 0,7 → Сезиларли (муҳим) боғлиқлик, маълумотлар аниқ корреляцияга эга.
- 0,7 - 0,9 → Кучли боғлиқлик, ўзгарувчилар чамбарчас боғлиқ.
- 0,9 - 1,0 → Жуда кучли (деярли функционал) боғланиш, лекин агар $\rho = 1,0$ бўлса, бу кўпинча маълумотлардаги хатоликни кўрсатади (масалан, қийматларни такрорлаш).

Спирменнинг рангали корреляция коэффициенти ёрдамида корреляцион боғлиқликларни таҳлил қилиш тадқиқотнинг турли босқичларида РРШ параметрлари ва гемодинамика кўрсаткичлари ўртасидаги муҳим боғлиқликларни аниқлашга имкон берди.

Энг яққол корреляция РРШ ва САБ ўртасида кузатилди: биринчи босқичда $\rho = 0,79$ ($p < 0,001$), кейинги босқичларда $\rho 0,54; 0,42; 0,49$ ($p < 0,001$). Худди шундай тенденция ДАБ билан ҳам кузатилди: $\rho 0,72; 0,40; 0,44; 0,54$ ($p < 0,001$). РРШ нинг ЮҚЧ билан боғлиқлиги биринчи босқичда юқори ($\rho = 0,83; p < 0,001$), кейин пасайиш қайд этилди: $\rho 0,52; 0,35; 0,39$ ($p < 0,001$).

